



2013 у.г. "31" июл

№ 757-К

Samarqand t-p Самарканд

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Самарқанд туман бўлинмасига "Обод турмуш" маҳалласи ҳудудидан "Маҳалла" маркази биносини қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 26 июлдаги 86-сонли баённомаси ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Самарқанд туман бўлинмасининг туман ҳокими номига ёзган хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

### Қарор қиламан:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2013 йил 26 июлдаги 86-сонли баённомаси ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Самарқанд туман бўлинмасига "Маҳалла" маркази биносини қуриш учун "Обод турмуш" маҳалласи ҳудудидан қурилган намунавий уй-жойлар бош режасидаги маҳалла маркази учун қолдирилган жами 0,06 га (шундан: 0,06 га туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2014 йил 1 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Т.Шаропов)га топширилсин.

4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими:

Б. Садуллаев